Куч — адолатда

АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 ЙИЛ 14 ФЕВРАЛЬ

7 (398)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ» ДАСТУРИ АМАЛДА

Жамиятимизда маҳаллалар фаоллигини ошириш, миллий қадриятлар, анъаналарни асраб-авайлаб ўзаро меҳр-оқибатларни мустаҳкамлаш, аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларга қаратилган ишларимиз жорий йилда янада кучаяди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқиб, «Обод маҳалла йили» дастури амалга татбиқ этилди.

«Обод маҳалла йили» дастури асосан етти йўналишдаги муҳим ҳаётий масалаларни қамраб олади. Ушбу дастурни тўла амалга ошириш учун қарийиб 375,9 миллиард сўм жалб этилиши мўлжалланган. Бу маблағнинг 169 миллиард 500 миллион сўми давлат бюджетидан, қолгани эса корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари эвазига қопланади. Эндиликда мазкур дастур бўйича қилиниши керак бўлган ишларнинг аниқ режаси тузилди.

Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маънавий-аҳлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш каби кўплаб вазифалар белгилаб олинди. «Обод маҳалла йили» дастури доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларни ташкил этиш назарда тутилади. Бу эса кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзғор хўжалигини йўлга қўйиб олишида, тижорат банкларнинг кредитларидан ташқари қўшимча маблағ бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, дастурда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, узоқ қишлоқ туманларида аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бўйича ҳам қилиниши керак бўлган ишлар ва бунинг учун ажратилган маблағ аниқ кўрсатиб қўйилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дастур мукаммал ишлаб чиқилган. Унинг рўёбга чиқиши эса мутасадди ташкилотлар, идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда фуқароларнинг яқин ҳамкорликда фаолият юритишларига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз пойтахтидаги бош кийимлар ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпчилик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Бу албатта корхонада ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг ўз касбларига сидқидилдан меҳр қўйганликларининг шарофатидандир. Улар учун маҳсулот сифати асосий мезонга айланган. Айниқса, тайёр маҳсулотни дазмоллаб савдо шахобчаларига жўнатишга шай этиб қўяётган Малика Зуфарова эришаётган ютуқлар билан кўпчилик фахрланади. Йигирма йилдан буён бу ерда ишлаб, катта обрў-эътиборга мушарраф бўлган бу ишчан аёл ўнлаб ёшларни ўзи каби тажрибали ишчи бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшди.

СУРАТДА: Малика Зуфарова иш пайтида.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

СУРХОНДАРЁДА БОДОМ ГУЛЛАДИ

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти – Сурхондарёда бодом гуллади. Бу бежиз эмас, чунки декабрь ойининг охирларида ва январь ойининг бошларида ёққан қалин қор баҳор нафаслари кезинаётган Сурхон заминида аллақачон эриб битган. Эзгуликдан шаҳодат берувчи кўм-кўк ғаллазорлар қутбарака ваъда қилгандек кўнгилни ширин орзу билан лиммо-лим тўлдириб масъум тебранади.



Бодомнинг пушти гулларини кўзига суриб, ризқи-рўзимиз манбаси буғдой майсаларига тамал тошини чамалаб боқаётган Сурхон деҳқонининг бу йилги баҳордан тилаклари, ниятлари улкан. Вилоятнинг чекка ҳудудларидан бири, Ўзун туманидаги МТП ҳамда ширкат хўжаликлари ихтиёрида бўлган барча чигит экиш мосламалари, чопиқ тракторлари ва шу каби баҳорги экиш мавсумида қатнашиши лозим бўлган техника Таъмирлаш заводида тўла техник қаровдан ўтказилди. Муаммога айланган кўпгина қишлоқ хўжалиги машиналарининг эҳтиёт қисмлари усталар томонидан сифатли қилиб тайёрланди. Бу билан тумандаги хўжаликлар мавсумда ишлатилиши мўлжалланаётган, бироқ кўпинча топилиши амри маҳол бўлган эҳтиёт қисмга эга бўлиш билан бирга, уни сотиб олиш учун ажратилган катта миқдордаги маблағни тежаб қолишди.

Ечимини кутиб турган асосий муаммомиз, мавжуд тракторларни, биринчи навбатда чигит экишга мўлжалланганларини аккумулятор батарейкалари билан таъминлаш, – деди туман ҳокими Абдувохид Кўчаров. – Бунинг учун етарли маблағимиз бор. Тегишли ходимларга аниқ топшириқлар берилган, ўйлаймизки, мавсумни кўнгилдагидек бошлаймиз. Аккумуляторлар ҳисобига соҳа учун ўта муҳим бўлган ёқилғи тежалади.

Туман даларини айланар эканмиз, олисдан майдонда ишлаётган ер текислаш агрегатларини, кудратли тракторлар ортидан ҳавога ўрлаётган чанг-тўзонни кўрдик. Демак, ер ишлов бериш учун маромида етилибди. Тез кунларда туман деҳқонлари 6 минг 153 га майдонга «Наманган-77» навли пахта чигитини экишга киришадилар. Бунинг учун етарли миқдорда уруғлик чигит тайёрланди. У махсус доирлар билан ишланиб, агротаблаларга мос сақланмоқда.

«Туркистон-пресс».

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ИРОҚ БОРАСИДА ФИКР АЛМАШДИ

Германия ва Франция бўйлаб ўз сафарини якунлаган Россия Федерацияси президенти Владимир Путин ҳар икки давлат раҳбарлари – канцлер Герхард Шрёдер ва президент Жак Ширак билан учрашиб, бугунги асосий халқаро муаммо – Ироқ борасида фикр алмашди.

Ҳафта бошида эса Москва, Берлин ҳамда Париж расмийлари Ирокда инспекторлар фаолиятини давом эттириш лозимлиги борасида баённома қабул қилдилар. Кремль раҳбари Франциянинг 1-телеканалига тўғридан-тўғри суҳбат берар экан, Бағдодга кучлироқ босим ўтказиш лозимлигини, агар у бош тортадиган бўлса, Россия янада кескинроқ қадам ташлашга тайёрлигини айтди. Шунингдек, Путин АҚШ бир томонлама урушни бошлайдиган бўлса, бу «жиддий хато ҳисобланади», – деди. Бу ҳолатда Москва БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо давлат сифатида вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигига ишора қилди.

МРБ ДИРЕКТОРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

АҚШ махсус хизматлари ҳафта охиригача «Ал-Қоида» АҚШ ва Арабистон ярим ороли ҳудудида бир нечта террорчилик ҳаракатларини амалга ошириши мумкин, деган ахборотни олди.

Кўзда тутилган ҳужумлардан хулоса чиқаришга имкон берувчи маълумотлар «Ал-Қоида» билан яқин алоқада бўлган бир нечта манбалардан олинди», деб маълум қилди Конгрессда миллий хавфсизлик хусусида маъруза билан сўзга чиққан МРБ директори Жорж Тенет.

САМОЛЁТДАН ҲУЖУМ

Американинг В-52 ва В-1 оғир бомбардимончи самолётлари Афғонистоннинг Баграм водийсидаги айрим ҳудудларга ҳужумларни давом эттирди.

АҚШ чекланган ҳарбий қисми вакилининг маълум қилишича, пиёда қисмлар томонидан ушбу ҳудудларда 20-25 нафар қуролли жангарилар аниқлангандан кейин самолётдан ҳужумлар уюштирилган.

КЕНГАШ ЎТКАЗИШГА ЧАҚИРДИ

Греция Бош вазири – ЕИнинг навбатдаги раиси – Константинус Симитис Ироқ масаласини юқори доираларда муҳокама қилиш учун тезликда Европа Иттифоқининг Кенгашини ўтказишга чақирди.

К. Симитис Австрия бош вазири Волфганг Шлюссел билан учрашув якунларидан келиб чиқиб Европа Иттифоқининг позициясини мувофиклаштириш ва Ироқ масаласида бир фикрга эришиш учун бундай кенгашни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 14 февралда Ироқдаги қуролларни текшириш бўйича инспекторлар маъ-



Коҳира шаҳри кўринишларидан бири.

рузаси тинглангандан кейин ўтказиш зарур, – деб ҳисоблайди. Греция мудофаа вазири Иоаннис Папандониу Франция ва Германиянинг Ирокда инспекторлар сонини кўпайтириш ва куролларни текширишга ёрдам берувчи БМТ кучларини жўнатиш тўғрисидаги таклифларини фойдали деб таъкидлади.

НАТИЖАСИЗ ЯКУНЛАНДИ

НАТОга аъзо давлатларнинг Ироқ уруши пайтида Туркиянинг ўзини-ўзи ҳимоя қилишига ёрдам бериш борасида ташкил этилган навбатдаги учрашуви натижасиз якунланди.

Ташкилотнинг ўн тўққизта аъзосидан Германия, Франция, Белгия давлатлари ўз вето ҳуқуқларидан фойдаланишларини билдирган эдилар. Уларнинг фикрича, Туркияни ҳимоя қилишда НАТО қўшинларининг мамлакатга киритилиши, Ироқ урушининг бошланишидан дарак беради. НАТОдаги ягона мусулмон давлат бўлган Туркия 1991 йилги Форс кўрфази урушида ҳам ўз ҳудудидан иттифоқчиларнинг фойдаланишларига розилик берганди. Ўшанда Ироқ Анқарани «Скад» русумли ракеталар билан бомбардимон қилган эди.

ҲАЖ ЗИЁРАТИДАГИ ВОҚЕА

Мусулмончиликнинг беш фарзидан бири саналмиш Ҳаж амалини бажариш учун бу йилги Қурбон ҳайитида Саудия Арабистонига 1,9 миллион зиёратчи ташриф буюрди.

Куни кеча Макка яқинидаги Мино водийсида шайтонга тош отиш маросимида 14 нафар ҳожи йиқилиб тушиб, (6 нафари аёллар) одамларнинг оёқлари остида ҳалок бўлди. Марҳумлар юзага келган катта тиқин вақтида йиғилиб, жойларидан туришга улгурмаганлар. Ҳаж хавфсизлиги маркази бошлиғи генерал-майор Абдулазиз бин Муҳаммаднинг билдиришича, фожеа зиёратчилар икки оқимининг тўқнашуви натижасида юз берган. Ҳалок бўлганларнинг тўрт нафари Покистон, уч нафари Ҳиндистон, икки нафари Миср, бир нафари Эрон ҳамда бир нафари Яман фуқаролари ҳисобланади. Қолганларининг шахси ҳозирча аниқланмади.

Одатда Ҳаж зиёрати вақтида шаҳид кетиш мусулмонларга фахр ҳисобланиб, бу кимсалар тўғридан-тўғри жаннатга тушади.

• Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу – сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир.

Ислом КАРИМОВ.

2003 йил — Обод маҳалла йили

МАҲАЛЛА: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

МАҲАЛЛАГА ЭЪТИБОР – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЭЪТИБОР

Маҳалланинг тарихий асосларига келадиган бўлсак, маҳалла жуда узоқ – мозий билан боғлиқдир. XIX асрда ёзилган Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи» китобида қайд этилишича, ўша давр солномасидан 1100 йил аввал ҳам маҳаллалар бўлгани эътироф этилган. Демак, маҳаллалар Ислом диний тарихидан ҳам анча олдин мавжуд бўлган экан. Қадимги аждодларимиз қабила тарзида тўда-тўда ҳолда, бир-бирларининг аҳволидан воқиф бўлиб яшаганлар. Ўзаро ҳамкорлик тарзида яшаб, биргаликда меҳнат қилганлар, бир-бирларига ёрдам кўрсатганлар. Ҳозирги ҳашарларимиз ҳам бизга ўша даврлардан бобомеросдир. Оилалар ва фуқароларнинг камол топишида, меҳр-оқибатли, меҳнатсевар, бир-бирига кушойишлик, тўғрилик ва ҳалоллик, фарзанд тарбиясидаги умуммасъуллик ва бурчга содиқлик каби туйғулар қадимги маҳалла бўлиб яшаган даврлардан бизга меросдир. Ҳа, мозийдан маҳаллалар эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удум ва одатлар, урф-анъаналар, мажмуини шакллантирган гўшалар ҳисобланган.

Бугунги кунимизда ҳам маҳаллалар орқали минг-минглаб фуқароларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг энг мақбул воситаси сифатида фойдаланиш, албатта ижо-

• Маҳалла қачон пайдо бўлган?

• Ҳозир биргина Тошкентда 450 та, мамлакатимиз миқёсида 10 мингга яқин маҳалла бор.

• Маҳалланинг нуфузини қандай қилиб ошириш мумкин?

• Маҳалланинг янги анъаналари

• Ҳашар – элга ярашар

• Оқсоқол адолатли бўлса...

бий самаралар келтиради. Дунёнинг айрим социолог олимлари маҳаллани қўшничиликка асосланган, ўзини ўзи бошқаришнинг энг мақбул ҳокимияти дейишмоқда. Бу – маҳалла бошқаруви Мовароуннаҳр, яъни Ўзбекистон ҳудудида вужудга келганлиги тан олинмоқда. XVIII асрда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 150 та, XIX асрда эса 200 та маҳаллалар бўлган экан. Ҳозирда эса маҳаллалар сони она шаҳримиз Тошкентда 450 тадир. Бугун мамлакатимиз миқёсида бундай маҳаллалар сони 10 мингга яқинлашиб қолди.

Мустақиллик муаззам диёримизда халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур қилиш тарзига мувофиқ, фуқаролар ўзини ўзи бошқарувнинг муҳим жамоатчилик йўғини – қадимий тарихга эга бўлган маҳаллаларимизнинг мавқеи қайта тикланди. Маҳалла – фуқаролар ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик, табиатпарварлик муносабатларини тарбиялашда катта аҳамият касб этиб келаётир.

Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг маҳаллага берган бир таърифини эслаб ўтмоқни шу ўринда жоиз деб топдик: **«Ўзини ўзи бошқариш халқимиз анъаналари ва қадриятларимизга жуда мос бўлган усулдир. Маҳаллалар тузуми сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳудудларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Бугун маҳалланинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Маҳаллага эътибор – жамиятнинг тараққиётига эътибор демакдир»,** – дейдилар. Ҳозирда маҳалла – жамият таянчининг асосини ташкил этмоқда.

Ҳурриятнинг йилларида маҳалланинг қонуний асослари яратилди. Тарихимизда биринчи марта Асосий Қонуннинг ўз ўрнини топди. Конституциямизнинг 105-моддасига мувофиқ ҳолда, маҳалла ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Зеро, маҳалланинг давлат ҳокимияти олдида ўзига хос ўрин олиши катта сиёсий ва амалий аҳамият касб этганидан далолат беради. Бугун маҳалланинг ўз солномаси вужудга келганидан ғурур-ифтихор қучамиз. 1992 йилнинг 12 сентябрида «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 2-бетда).

• «Обод маҳалла йили»га бағишланган материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

Оилавий спорт

АНДИЖОНЛИК БАҲОДИР

Андижон шаҳридаги Бўстон даҳасида академик коллеж талабаларининг республикамизнинг энг кучли спортчиларидан бир гуруҳи билан учрашуви ўтказилаётганди. Спорт юлдузлари орасида ориқ, ёшгина йигитча ҳам бор. У бокс бўйича ёшлар орасида икки карра жаҳон чемпиони бўлган Баҳодир Султонов эди. Баҳодир яқиндагина Тошкентда ўтказилган бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатида 57 килограмм вазнда ўзи тенги келадиган спортчи йўқлигини яна бир бор исботлади.

Учрашув иштирокчиларидан бири тим қора, қўнғироқ сочли талаба Баҳодирга шундай савол билан мурожаат қилди:

– Сиз боксга қандай кириб келдингиз?

– Баҳодир бундай давраларда сўзламаганлиги учунми, ҳаяжондан нима дейишини билмай қолди. Унинг устозларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги рефери Марс Кўчқоров шогирдини ҳижолатдан қутқарди:

– Бу саволга мен жавоб берайин. Баҳодир – қишлоқ боласи. Андижон туманидаги Заврақ қишлоғидан. Боксни болаликдан жуда яхши кўради. Отаси бокс бўйича спорт усталигига номзод Маърифжон Султонов. Баҳодирнинг биринчи устози ҳам унинг отаси.

Маърифжон ўғлидаги истеъдодни илғаб олгач, уни бизнинг «Олимпиада заҳиралари» спорт коллежимизда шуғулланишини мендан илтимос қилди. Очиғи, коллежимиз зали ўша пайтда таъмирга муҳтож, шуғулланувчилар эса жуда кўп бўлганлиги учун улар бир-бирларига халақит беришарди. Агар, Баҳодирни қабул қила олмаймиз, – десам Маърифжон хафа бўларди.

– Хомий сифатида бокс залимизни таъмирлаб бера оласизми? – дедим унга.

– Албатта, – деди у хурсанд бўлиб. – ахир мен қурилиш ташкилотида муҳандис бўлиб ишлайман-ку!

Эртаси куни машғулотга келсам уч-тўрт қурувчи залда таъмирлаш ишларини бошлаб юборибди.

– Сизлар машғулотни ўтказаверасизлар, – деди Маърифжон. – Биз бир чеккадан ишни бошлаб, таъмирлашни бир ҳафтада якунлаймиз.

Мен Маърифжонга ўғли эртадан машғулотларга келиши мумкинлигини айтдим. Баҳодир нафақат истеъдодли, балки ғоят меҳнаткаш йигит экан. У машғулотларда астойдил машқ қилар, ҳаракатлари ишончли ва дадил эди. Ўсмирга республикамизнинг энг тажрибали бокс усталаридан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий В. Золотарев тренерлик қила бошлади. Кейинчалик орадан 2 йил ўтгач уни А. Размахов, А. Абдуллаев ва мен биргаликда мусобақаларга тайёрлайдиган бўлдик. Хуллас, Баҳодирга отаси бокс алифбосини ўргатган бўлса, А. Золотарев ўрта маълумотли қилди, биз эса олий таълим бердик, энди ундан бокс академигини тайёрлаяпмиз. Бу албатта рамзий маънода.

– Сиз икки бор жаҳон чемпиони бўлибсиз. Қайси бирида ғолиб чиқиш қийинроқ бўлган, – дея савол берди талаба қизлардан бири.

– Жаҳон чемпионатида енгил ғалабанинг ўзи бўлмайди, – деди Баҳодир ҳаяжонини босиб. – Бокуда бўлган жаҳон чемпионати менинг бундай йирик мусобақада биринчи иштирок этишим бўлгани учун анча оғир кечди. Кубада ўтказилган жаҳон чемпионатида эса ҳамма учун мен кучли рақиб эдим. Жаҳон чемпионатига қарши рақиблар алоҳида, жиддий тайёрланадилар.

– Бир нарсани сизларга эслатиб қўяйин, – дея чемпионнинг сўзини бўлди унинг устозларидан бири Алишер Абдуллаев. – Икки бор жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 17 ёшида ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида иштирок этиб учинчи ўринни эгаллаган эди. Баҳодир Султонов эса 17 ёшида ёшлар ўртасида икки бор жаҳон чемпиони бўлди.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Менинг кўз ўнгимда ўтган кузда Баҳодир Гавана (Куба)да иккинчи бор жаҳоннинг энг кучли ёш боксчиси бўлиб қайтганда уни Андижонда, она қишлоғи Заврақдаги Жаҳонобод маҳалласида тантанали кутиб олишлар бирма-бир ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари, қариндошлари, дўстлари уни бағрига босишга ошиқардилар. Қизлар даста-даста гуллар инъом этдилар.

Чемпионнинг кекса энаси Хайитхон момо, онаси Шаҳзодахон, отаси Маърифжон, қариндошлар, қўшнилар, ёрдўстларнинг қувончи бир олам. Маҳалла нуронийлари дуога қўл очдилар. Улар ўз маҳаллаларини Жаҳонобод деб бежиз номламаган эдилар. Кўчамиздан жаҳонга машҳур инсонлар чиқсин, дея ният қилишганди. Ниҳоят уларнинг кўчасида ҳам байрам бўлди. Жаҳонободликлар фикрича, бу бошланиши, холос.

Бугун Андижон туманидаги чемпион ўқиган 39-мактаб, Андижон шаҳридаги «Олимпиада заҳиралари» спорт коллежи, олий спорт маҳорати мактаби, шу кунларда таҳсил кўраётган Андижон Давлат университети жамоаларининг ҳар бири Баҳодир биринчи вакилимиз дейишади. Чиндан ҳам чемпионнинг ютуғида юқоридаги тилга олинган барча ташкилотларнинг катта ҳиссалари бор. Бироқ, кўп тортишишга хожат йўқ. Зеро, Баҳодир Султонов Андижон вакили, бутун Ўзбекистонимиз фахри-ифтихори. Оилавий спортчилардан бири.

Тўлқин СИДДИК.

2003 йил — Обод маҳалла йили

МАҲАЛЛА: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

МАҲАЛЛАГА ЭЪТИБОР – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентининг Фармони эълон қилинган эди. 1993 йил 11 сентябрьда биринчи марта «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. 1999 йил 11 апрелда эса янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қайта қабул қилинди. 1999 йил 6 ноябрда Республика Оқсоқоллар Кенгаши тузилди.

– Республика Оқсоқоллар Кенгашининг вазифаларига «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолияти бирлигини таъминлаш, маҳаллаларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини замон талабларига мослаштириб бориш, ушбу органларнинг жамиятдаги тутган ўрнини, роли ва аҳамиятини кучайтириш, уларни ривожлантириш дастурлари ва механизмларини яратишга услубий ёрдам кўрсатиш ва бу соҳаларда давлат ҳамда вакиллик органлари, хорижий ташкилотлар, бошқа корхоналар, республика жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан иборат, – дейдилар Республика Оқсоқоллар кенгаши раисининг ўринбосари Расул ака Раҳмонов.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасига кўра, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши таъсис этилгани республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини жоналантириш учун муҳим, ва амалий ишларини ривожлантиришга мададкор бўлди. Шу билан бирга маҳаллаларимизда халқимизнинг бой, сермазмун, кўп қиррали маданий маърифий меросини мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланишга республика Оқсоқоллар Кенгаши доимий равишда кўмаклашиб туради. Бу ўринда мамлакат Президенти ва ҳукумати ҳам доимий тарзда фуқароларни яхшиликка рағбатлантириш, ўз эзгу ғояларининг халқ томонидан қўллаб-қувватланишига эришиши, айни бир пайтда одамларнинг қобилият ва имкониятларини ишга солишга йўл очиб беради, – дейди Расул ака Раҳмонов.

Истиқлол йиллари даврида маҳалланинг янги, замонавий анъаналари кашф этилди. Жамғарма ўзининг «Маҳалла» деб номланган газетасига эга бўлди. «Маҳалла»нинг ҳар бир сонини, эндиликда маҳалладошлар орзиқиб кутишади. Ундан ўзларига фойдали маслаҳатлар олиб турадиган бўлишган.

Маҳалланинг янги анъаналарига – «Энг обод маҳалла», «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор оқсоқол», «Маҳалла жонкуяри», «Ибратли қайнона», «Ибратли келин» каби танловларни, «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларини ўтказишларини мисол қилиб келтириб ўтиш мумкин. Ҳар йили август ойининг биринчи шанба куни эса «Маҳалла куни» сифатида нишонланадиган бўлди. Шу билан бирга мустақиллик йилларида маҳалланинг янги-янги қирралари очилди. Ҳар йили Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилишга, Ҳажга муносиб номзодларни тавсия этишда, тўй-маъракаларни ўтказишда, ободончилик ишларини яхши йўлга қўйишда, шунингдек, кам таъминланган, 16 ёшгача бўлган ва 2 ёшгача фарзанди бор ишламайдиган аёлларга ёрдам пулларини тўлашда буни кўриш мумкин. Айниқса, яраштириш комиссияларининг фаолияти ва «Маҳалла посбон»ларининг маҳаллаларга кириб келгани янада яхши бўлди.

Илғор ва намунали маҳаллалар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, албатта республикадаги қарийб 12 мингта маҳаллалардан бундайларни саралаб олиш, уларни ҳаммасининг номини бирма-бир айтиб ўтишдан йироқман, – дейди республика «Маҳалла хайрия» жамғармаси бошқарувининг раиси Аъзамжон Гадойбоев. – Шундай бўлсада, айрим маҳаллаларни тилга олиб ўтишни лозим топдик. Уларга Навоий вилояти, Кармана шаҳридаги «Деҳқон», Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Иттифоқ», Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли, Мирзо Улуғбек туманидаги «Навбаҳор», Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Ипак йўли», Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги «Ўрмон» маҳаллалари шулар жумласига киради. Биргина Мирзо Улуғбек туманидаги «Навбаҳор» маҳалласини олиб қарайдиган бўлсак, бу маҳаллада болалар спортини ривожлантиришга аҳамият берилганлигини кўрамиз. Маҳаллада тўртта болалар спорт майдончаси бор. Ёки Сиёб туманидаги «Ўрмон» маҳалласини олсак, бу маҳалла ўз ҳудудини яшил масканга, ўрмонга айлантириш ташаббуси билан чиққанлигидан фахрланамиз, – дейди Аъзам Гадойбоев.

«Кучли давлатдан – кучли жамият» сари боришимизда маҳаллаларнинг роли кўпроқ бўлади. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаларида, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов:

— «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари давлат вазифаларини нодавлат тизимлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг – маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади. Фуқаровий жамиятнинг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмунмоҳиятини ҳам, айнан мана шу масала ташкил қилади», – деган эдилар.

– Ҳамкорликда иш олиб боришнинг илғор намунасини маҳаллаларда кўриш мумкин. Бугун биз ҳуқуқ-тартибот органлари, маориф ва маданият, маънавият ва маърифат масканлари, «Нуроний», Хотин-қизлар, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Мусулмонлар диний идораси, барча вазирлик ва қўмиталар, нодавлат ташкилотлари билан ўзаро келишилган ҳолда иш олиб бормоқдамиз, – дейди Аъзамжон Гадойбоев.

Ўзбекистондагидек турмуш тарзи, оқсоқол сайлаш ер юзининг ҳеч бир мамлакатида учрамайди. Бу демократик, ўзини-ўзи бошқариш тамойилига мос бўлган ноёб ҳодиса, фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Шу боис ҳам фуқаролик жамиятининг бу тизимига дунёнинг жуда кўп давлатларида ҳавас ва қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар биздан мақбул жиҳатларни ўрганишга киришмоқдалар. Шу сабабли ҳам фуқаролар иш олиб бориш салоҳияти ва уларни ўз ортидан эргаштира билиш қобилияти, фақат маҳалла институтларини ривожлантириш тарзида рўёбга чиқишини эътибор ва назарга олиб, бу – маҳаллалар бошқарувига давлат бошқарувида ишонч кундан-кунга ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Маҳаллаларда адолатнинг саховати ва мурувватнинг ҳиммат боши оқсоқол қўлида бўлади. Маҳалла раисини етти ёшдан 70 ёшгача бўлганлар ҳурмат қилади. Албатта, бундай бўлиши учун раис ҳамма ишда одил, энг муҳими одоб-ахлоқ бобида ҳаммага ибратли ва намунали бўлмоғи керак. Айрим маҳалла оқсоқоллари ўз обрўйини поймол этиб, маҳалланинг назаридан қолади. Бундайлар манфаат кўриш ортида атрофига нопок одамларни тўплаб олади ва қинғир ишларга қўл урадилар. Сўнгги йилларда маҳалла фуқаролари Рамазон ойида фитр рўза ҳақини, баъзи бир савоб талаб инсонлар эса ҳиммат саховатни ҳам оқсоқолларга кўрсатадиган бўлди. Чунки, маҳалланинг ночор ва муҳтож кишиларини, фақат раис яхши билади, Бироқ, бу ўринда ҳам баъзи жойларда нопокликлар юзага келаётганлиги ҳақидаги гаплар ҳам қулоққа чалиниб турибди.

Маҳалла инсоннинг бу дунёга келадиган ва алал-оқибат охиратга кетадиган жойи. Шу боис ҳам маҳаллани азал-азалдан муқаддас ҳисоблашганлар. Нопокликни, ғирромликни ва бузғунчиликни ҳеч қачон маҳалла кўтармайди. Кўпнинг назаридан қолиш эса, кўпнинг қарғишини олиш билан баробардир. Гоҳида юзи қора, қилмиши қора, хиёнат ва фахш йўлига кирган аёл ёки эркак киши қўлга тушиб қолганида ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларидан: «Нима жазо берсаларингиз ҳам розиман, фақат маҳалламга хабар қилмасаларингиз бўлгани»деб ўкинч билан илтимос қилишар эканлар. Маҳалланинг куч-қудрати шунақа, унга ҳеч қачон доғ туширмаслик керак. Биз, «Маҳалла хайрия жамғармаси олдида турган вазифалар ҳақида, унинг раҳбаридан сўрганимизда:

– Шу давргача бир ярим мингга яқин маҳалла гузарлари қурилиб, ишга туширилган бўлса, истиқбол дастуримиз режасига кўра, улар сонини, насиб бўлса ўн мингга етказишмиз керак. Обод маҳалла тимсоли, мамлакатимизнинг ҳар қайси фуқароси қалбида, ҳар бир хонадонда, ҳар қайси маҳаллада ўз ўрнини топмоғи керак. Бугун давлат ва жамият олдида турган маънавий, соғлом муҳитни яратишда маҳаллаларимизнинг улуши салмоқли эканлигини яхши биламиз. «Обод маҳалла йили» муносабати билан ишлаб чиқилаётган дастурда барча қилажак ишларимиз, вазифаларимиз белгилаб берилади, – дейди Аъзамжон Гадойбоев.

Маҳалла – ҳаётимиз кўзгуси, биз ўзимизнинг устки ва ташқи кўринишимизга қанчалик эътибор қаратсак, демакки, ўзимиз умргузаронлик қилиб яшаётган маҳаллаларга ҳам шундай эътиборда бўлмоғимиз керак. Обод сўзидаги кўркамлик моҳияти ҳам аслида шу ҳаётий мазмунга мос келади.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туманида фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг ўз бурчлари ва вазифаларини тўғри бажаришларига имкон яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Тумандаги барча маъмурий органлар ходимлари, айниқса, ички ишлар бўлими вакиллари бу ишда алоҳида жонбозлик кўрсатишаётир.

СУРАТДА: туман ички ишлар бўлимига қарашли 26-сон милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, милиция майори Зайниддин Жумаев паспорт тизимини доимий назоратда бўлиши ҳақида туман ҳудудидаги Фурқат номли маҳалла фаоллари билан суҳбат ўтказаётир.

Моҳира ШАКАРОВА олган сурат.

ОБОД МАҲАЛЛА

Кўчаю гўшаси тоза сариштa –
Жойларга саодат отади ришта.
Мудом иш бошида турса фаришта,
Ўзи айлар карам обод маҳалла.

Баланд бўлар иқбол ҳисоб бор жойда,
Тежам ҳаржига шоҳ марака, тўйда.
Баракали неъмат режали уйда,
Халқи яшар бекам обод маҳалла.

Фароғат неъматин яратар ҳар ким,
Фермер, деҳқон, балким муаллим, ҳаким,
Тўкисликка халқим интилар токим,
Азизу, муҳтарам обод маҳалла.

Истиқлолим боис тадбиркор элим,
Юлдузга узатсам етади қўлим.
Улуснинг корига толмаса белим,
Яшар ҳар боб ҳуррам обод маҳалла.

Дўст бўлиб, шод-ҳуррам ўсар болалар,
Демак, оқсоқоли юртни оралар.
Ҳарки муаммога топар чоралар,
Нафсга эмас қарам обод маҳалла.

Ҳимоятда ҳуқуқ, эрки ва ҳаққи,
Ҳалал бермас дини, тили, жинс, ирқи.
Қонун устиворин билар халқ накди,
Мисли боғи Эрам обод маҳалла.

Кекса бобо, момо этилар ардоқ,
Ҳаёт дарсларидан берурлар сабоқ.
Дўстлар, ғафлат юки юракларга доғ,
Қанча камайса ҳам обод маҳалла.

Қосим, юрт негзига ғамхўр бўлсанг бод,
Фаровонлик истаб елсанг умрбод.
Юрак Ҳақдан рози, кўнгил бўлар шод,
Мурод берар ором обод маҳалла.

Қосимжон КАРИМОВ.

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Муҳтарам Президентимиз маҳалланинг жамиятда тутган ўрнини кўтариш, аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни рўёбга чиқариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни яхшилаш мақсадида Ўзбекистонда 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилдилар.

Шу муносабат билан «Обод маҳалла йили» дастури ишлаб чиқилди.

Дастурга мувофиқ маҳаллаларнинг моддий базаси янада мустаҳкамланади. Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги ишчи ўринлари барпо этилади. Кенг кўламда ободончилик ишлари олиб борилади. Кам таъминланган оилаларга ва ёш оилаларга ёрдамлар берилади. Қариялар қўллаб-қувватланади. Тиббий ёрдам, болалар спортини ривожлантириш ҳисобига янги ишчи ўринлари барпо этилади. Кенг кўламда ободончилик ишлари олиб борилади. Кам таъминланган оилаларга ва ёш оилаларга ёрдамлар берилади. Қариялар қўллаб-қувватланади. Тиббий ёрдам, болалар спортини ривожлантириш алоҳида эътиборда бўлади.

Ана шу мақсадларни қисқа муддатда амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағларини жалб этиш мўлжалланган.

Айни пайтда юқорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида бизнинг маҳалламизда ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кези келганда, кўпчиликнинг тил учида турган бир урф-одатимизни қайтатдан тиклаш хусусида тўхталмоқчиман. Ҳозирги аксар катта ёшдаги замондошларимиз халқимизда ҳашар усули жуда қадимдан амал қилинганлигини яхши эслайдиларо. Яқин ўтмишда жуда кўп улкан иншоотлар, уй-жойлар, мактаблар ва мадрасалар кўпчиликнинг саъй-ҳаракатлари билан тикланар эди. Узоққа бормай 1939 йилда атиги 45 кун ичида 275 километрлик Катта Фарғона канали ҳам ҳашар йўли билан қазилганини эслатиб ўтгим келади. Маҳаллада бирон одам уй солмоқчи бўлса ҳам барча кекса-ю ёш уни тиклашда беминнат иштирок этар эди. Бироқ кейинги пайтларда ана шу бокий анъанамизга путур етгандай бўлиб туюлмоқда. Ҳатто бу сўз маҳаллаларда кўпчилик ёшларнинг истеъмолидан ҳам чиқиб қолаёзди.

Назаримда, «Обод маҳалла йили»да қадимий анъаналаримиздан бири – ҳашарни қайта тиклаб олишимиз даркор. Бу усулнинг қайта тикланиши одамлар ўртасидаги меҳр-окибат, аҳиллик, иноқлик каби инсоний ҳислатларни кучайтиришда муҳим омил бўлган бўлур эди.

Х. БОЗОРОВ,
Балиқчи туманидаги «Оққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғининг раиси.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласи фаоллари ўз маҳаллаларини обод масканга айлантириш ҳақида астойдил жон куйдиришаётир.

Суратда: маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсаналн Тожиаҳмедов маҳалла фаоллари Абдуманнон Ортиқов ва Алижон Холматов билан дастур асосида бажариладиган ишларни келишиб олишмоқда.

Маҳалладан бошланар Ватан

АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ҚЎРҒОНИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган байрам тантанасида 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиш таклифини билдирди. Йиғилганлар ушбу таклифни гулдурос қарсаклар билан маъқуллашди. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси маҳалла – Ватаннинг остонаси. Унинг ободлиги – юртнинг обод ва фаровонлиги демакдир. Ундаги аҳиллик ва тотувлик, ҳамжиҳатлик элнинг тинч ва осойишталиги гаровидир. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз Наманган вилояти оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Олимжон Нуриддиновга мурожаат қилиб, истиқлол йилларида маҳаллага бўлган эътибор, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўради.

– Шарқона урф-одатлар, ўзбекона анъаналарга эга бўлган юртимизда азал-азалдан маҳалланинг ўрни катта бўлган. Меҳр-оқибат, қадр-киммат, бир-бирига иззат-икром кўрсатиш каби инсоний фазилатлар маҳаллада камол топган. Одамлар қўни-қўшни, маҳалла-кўй бўлиб иморат қуриш, ободончилик каби улкан юмушларни бажаришган. Ана шу тариқа фақат халқимизгагина хос бўлган ҳашар усули асрлардан асрларга ўтиб келган. Эзгу одатларга эга бўлган юртимизда мустақилликка эришилган ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бу борада ташаббус бошида шаҳсан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг турганлиги алоҳида эътирофга сазовор. Куни кеча матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тасдиқланганлиги тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу айни муддао бўлди.

Қарорга берилган шарҳда маҳалланинг хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, бизнес, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш борасидаги ҳуқуқлари ва амалий ролини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришдан тортиб, маҳалла гузарлари ва аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, тўй-маъракалар ва дафн маросимларини тежамкорлик билан ўтказишгача бўлган масалалар ўз ифодасини топган.

Хуллас, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар бисёр.

Одатда келгуси режалар ўтган йиллар сарҳисобидан келиб чиқиб белгиланади. Шу маънода вилоятимиздаги ўзини ўзи бошқариш органларининг қўлга киритган натижалари республикада ўзига хос ўринга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Мисол учун, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ички ишлар, халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тасвирий ойна», «Маънавият ва маърифат» маркази каби давлат ва жамоатчилик муассасалари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри» каби кўрик-танловлар, турли спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган. Биргина шу йили ўтказилган «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловида Наманган туманидаги «Оқ ер» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдусалом Сатторов, «Маҳалла» жонкуяри» танловида Наманган шаҳридаги «Тахта-кўприк» маҳалла фуқаролар йиғини фуқароси Умархон Аҳмедов ғолиб деб топилиб, фахрий ёрлиқ ва кўкрак нишони соҳиби бўлдилар. Наманган шаҳридаги «Қизил кўприк» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Тошпўлатов эса республика миқёсида ўтказилган миллий қадриятларимиз ва конституцияни тарғиб қилишга қаратилган танловда мутлақ ғолиб бўлиб, танлов ташкилотчиларининг фахрий ёрлиғи ва 300 минг сўмлик мукофот билан тақдирланди. Бу каби натижаларни спорт мусобақалари мисолида ҳам келтириш мумкин. Жумладан, «Футболимиз келажаги» мусобақасининг республика босқичида вилоятимиз шарафини химоя қилган Наманган шаҳридаги «Чорсу» маҳалла фуқаролар йиғини футбол жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ушбу мусобақанинг вилоят босқичида 31 минг нафар ўсмир ёшлар иштирок этди. «Маҳалламиз паҳлавонлари» миллий кураш мусобақасидан ҳам вакилларимиз 1 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медали билан қайтишди.

Бу йил ҳам эл-юрт ободонлиги, фарзандларимизнинг баркамол улғайишига, уларнинг ножўя йўлларга кириб кетишининг олдини олишга хизмат қиладиган танлов ва мусобақаларга жиддий эътибор қаратамиз. Шунингдек, юқорида номлари келтириб ўтилган каби ибратли маҳаллалар сафини кенгайтирган ҳолда кўплаб эзгу ишларни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Чунки Обод маҳалла замирида оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар камоли, бунёдкорлик ва фаровонлик, жиноятлар ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, умуман Ватан равнақи йўлидаги барча орзу интилишлар мужассам.

Исроил ЮСУПОВ
ёзиб олди.

ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИКНИ ҚОРАЛАЙДИЛАР

Музработ кичик ва ўрта бизнес коллежида «Гиёҳвандлик ва ёшлар муаммолари» мавзуида қизиқарли тадбир бўлиб ўтди.

Шифокор М. Мамадалиев, туман ИИБ ходими Б. Аминқулов, «Қўнғирот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А. Жўраев, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Қ. Маматқуловлар аср вабосига айланган гиёҳвандликнинг мислсиз зиёнлари хусусида гапиришди.Шунингдек, сўзга чиққан коллеж талабалари ҳам бу иллат яқинига ҳаргиз йўламасликлари ҳақида устозларини, мутахассисларни ишонтиришди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАШАРДА

«Обод маҳалла йили»да Термизни озода ва кўркам манзилга айлантириш учун барча жамоалар фаол қатнашмоқда.

Улар сафида вилоят телерадиокомпанияси ҳам бор. Жамоа вакилларидан юз киши компания ҳовлисини ва шаҳарни ободонлаштиришга чиқмоқда. Улар 150 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишди. Ариқ-кўчаларни тозалаб, дарахтларни оқладилар.

«ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА»

Пойтахтимизнинг Чилонзор туман ҳокимлигида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

Юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, ҳар нарсадан устун. Халқимиз хотиржамлиги йўлида туну кун хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари учун янада масъулиятли паллалар бошланди. Жорий йилнинг 4 февралидан 28 февралига қадар республикамиз миқёсида тозалаш тадбири ўтказилмоқда. Тадбир доирасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, паспорт тизимини текшириш, профилактик чора-тадбирлари кучайтирилган тартибда олиб борилади.

Республикамиздаги мавжуд маҳаллаларда Ички ишлар вазирлиги мутасаддиларининг маҳалла аҳли ва фаоллари билан учрашувлари ташкил қилинади. Учрашувлар «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида ўтказилади. Чилонзор туман ҳокимлигида ҳам ИИВ мутасаддилари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ходимлари ва мазкур туман аҳли билан шу мавзуда учрашув ташкил қилинди. Маълумки, дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган муаммо бу терроризм ва диний экстремизм масаласидир. Ёшларимизни турли носоғлом ғоялардан асраш, юртимиз, хонадонимиз хотиржамлиги йўлида ҳушёр ва огоҳ бўлиш каби масалалар хусусида йиғилишда атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, учрашувда ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари иш фаолиятида фуқароларимизнинг ёрдамлари муҳимлиги таъкидланди.

«Туркистон-пресс»

Сиз ўқимаган бир асар тарихи

МОҲЛАРОЙИМ ФОЖЕАСИ СИРЛАРИ

ёки севикли адибимиз Абдулла Қодирийнинг тугалланмаган «Канизак» романи хусусида

– Хозир Сиз қандай асар устида ишлаяпсиз? – деган саволга Абдулла Кодирий шундай жавоб берганди:

– «Канизак» деган асаримни ёзиб тугатиш арафасидаман. Бироқ, бу асарим босилиб чиқса, ўқувчиларим «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»ни ўқимай қўйишадими, деб қўрқаман.

Кўпчилик газетхонларга маълум, Моҳларойим Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг севимли қизи эди. Раҳмонқулибийнинг ўзи эса Фарғона ҳокими кейинчалик Қўқон хони Олимхоннинг тоғаси бўлган. 1801 йили Раҳмонқулибий қизи Моҳларойимнинг зукко, шоиртабиатлигидан севиниб, унинг чекига тоғ яқинидаги бўз ерда катта жой ажратиб, ариқ қаздириб, Қорадарёдан сув келтириб, ажойиб боғ-роғларга бурканган қишлоқ барпо этади. Бундан севинган Моҳларойим ҳафта, ой сайин ўз чекидаги қишлоққа бориб, боғбону деҳқонлар ҳолидан хабар олар, уларга кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа совға-иньомлар ҳадя этарди. Шу боис, қишлоқнинг номи аввалига «Моҳларойим», кейинчалик эса, «Ойим» қишлоғи дея аталган. Бу қишлоқ, 1963 йилгача Ойим райони – туман маркази эди, кейинги йилларда бу туман тугатилиб юборилган.

1808 йили Олимхон Қўқон хони бўлгач, ўз укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини топшириб, Моҳларойимга уйлантиради. Олимхон вафотидан кейин Умархон Қўқон хони этиб тайинланади. «(Ўша вақтлари Тошкент ва жанубий Қозоғистон ҳудудлари Қўқон хонлигига тобеъ эди). Ободончиликка меҳр қўйган малика Моҳларойим, ҳатто, Қўқон атрофидаги Сирдарё қирғоғига яқин жойдаги қамишзорларни ўз маблағи эвазига қўркам, обод қишлоқларга айлантиргани сабаб, ўша ерларда «Ойим» номли жойлар пайдо бўлган...

Ҳар бир фожеанинг бир қалтис сабаби бўлади. Моҳларойим фожеаси ҳам кутилмаган сабаб туфайли содир бўлган. Ҳатто, севикли адибимиз Абдулла Қодирий бу тўғрида роман ёзган, аммо қатағон йиллари романнинг сўнгги боби тугаши арафасида ҳибсга олинган.

Малика Моҳларойим Нодира тахаллуси билан ғазаллар ижод этган. Унинг асл исми Комила бўлиб, сарой аҳли ҳурмат юзасидан «Моҳларойим» деб атаганлар. Хўш, Моҳларойим – Нодира нега Умархон вафотидан бироз ўтгач, ҳавотирга тушиб, «Нодира аҳволидан орқали олтижо қилади?

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа бундан икки юз йил илгари бўлиб ўтганди: кунлардан бир куни Амир Умархон саройида бўлган зиёфатдан яхшигина кайф қилган ҳолда хонасига келади. Хоннинг аҳволини кўрган малика Моҳларойим, яъни шоира Нодирабегим ачитиброқ хонга дейди: «Шундай улкан мамлакатнинг ҳукмдори бўла туриб, бу аҳволга тушиш Сизга ярашмайди!»

Маликанинг бундай аччиқ гапи амирга қаттиқ тегиб, сал хушёр тортиб, унга қараб тўртлик ўқийди:

Бошимда сувсар телпак,
Кўзим соямдадир.
Соям шундай десаким,
Дилим аламдадир.

Ана шу тўртликни айтиб, хон болишга бош қўйишдан олдин маликага жаҳли чиққан ҳолда дейди: «Ҳой, Моҳлар! Агар мен ёкмай қолган бўлсам саро-ю уйимизда кўзингга нима яхши кўринса, ўшаларни олгинда, Андижондаги туғишганларинг олдига бориб, яшайвер!» Хон бу гапни айтади-ю, ёнбошлаб уйқуга кетади. Хоннинг кейинги гапларидан Нодирабегим ўйланиб қолиб, Амирнинг амри вожиб, хулосага келади. У хоннинг извошчисини чақиртириб, сафарга зудлик билан тайёргарлик кўриш лозимлигини уқдиради. Извошга тўрт кишилашиб, қаттиқ уйқуга кетган Умархонни ётқизадилар, соқчилар қуршовида Андижоннинг Хонободига йўл оладилар. Тун бўйи йўл юришиб, алламаҳалда манзилга етиб борадилар. Эрта билан амир кўзини очса, қайнотаси уйида ётибди. У қандай қилиб бу ерга келиб қолганини ёнида хомуш ўтирган Нодирабегимдан сўраганида қуйидаги жавобни олибди: «Кеча сенга саро-ю уйимизда кўзингга нима яхши кўринса ўшаларни олиб, Андижондаги тукқанларингникида яшайвергин, дегандингиз. Саро-ю уйдаги барча нарсаларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим, бирон нарса ёқинқирамади, фақат кўзимга ўзингиз яхши кўриндингиз, холос. Амрингизни бажариш вожиб, деб билиб, Сизни олиб келавердим, ҳукмдорим!».

Ўшанда хон маликанинг донолигига, тадбиркорлигига қойил қолиб, қайнотасиникида икки кун қолишга аҳд қилади. Эрталабки нонуштадан кейин Шаҳрихон ҳокими Жиловдор Иноқ билан суҳбатлашиб ўтирганида ҳокимнинг хотини дабдурустдан кириб, Ўратепадан кўчиб келган, оёқ учида кун кечираётган илмли одам Саидғозихўжа деганнинг Хонпошша деган қизининг гўзаллигини шу қадар таърифлайдики, асти кўяверасиз. Амир ўша заҳотиёқ қизникига совчи йўллайди. Қизнинг ота-онаси унинг ҳали балоғатга етмаганлигини, гўдаклигида бешиккерти қилинганини айтиб, совчиларни қайтариб юборадилар. Шундан кейин хон Ботирхон деган соқчисини қўшиб, совчиларни изига қайтаради. Бу гал ҳам қизнинг ота-онаси, ҳатто соқчининг дўқ-пўписаларига қулоқ солмай, розилик беришмайди. Охири Умархон ўша даврнинг кўзга кўринган олими, шоири, тарихчиси Ҳакимхонни соқчи Ботирхонга қўшиб, совчилар билан бирга жўнатади. Сўнгги марта совчиликка эътиборли олим келганлигини ҳисобга олиб, Ботирхоннинг даҳанаки ўшқиришларидан чўчиган Саидғозихўжа ва унинг хотини «Қизим гўзаллигинг ўзингга бало бўлди!» дея фарёд чекиб, ноилож розилик беришади. Совчилар қизни олиб боришиб, уни яхшилаб кийинтиришиб хон ҳузурига киритишади. Аммо, хон унинг ҳали мучал ёшига етмаганини ҳисобга олиб, канизаклар орасида тарбиялашни буюради...

Сирасини айтганда, Амир Умархон салтанатининг давом этмай қолишига ҳам ўша гўзал канизак Хонпошша ҳам сабабчи бўлган. 1822 йили отаси вафотидан кейин хоннинг катта ўғли, ўн икки ёшли Маъдалихон (асли номи Муҳаммад Алихон) тахтга ўтиради. У отаси Умархон тириклигидаёқ ёш гўзал канизак Хонпошшани зимдан севиб қолганди. Тахтга ўтиргач эса эшони махдуми Султонхон тўра Адони, тарихчи олим Ҳакимхонни ва бошқа уламоларни ҳузурига бирма-бир чорлаб, канизак Хонпошшага уйланиш учун шариатдан йўл топиб беришларини сўрайди. Улар бу ишга кескин норозилик билдирганликлари учун саройдан ҳайдаладилар. Шундан кейин Маъдалихон яна бошқа икки муллани ишга солиб, қандай бўлмасин канизакка уйланишига йўл ахтаришларини буюради. Улар ўз мавқеларини сақлаб қолиш мақсадида қандайдир қадимий ривоятларни келтиришиб, шариатдан йўл топган бўладилар. Оқибатда, Маъдалихон ҳалиги икки мулланинг ёзмасини асос қилиб олиб, отасининг энг ёш канизагига уйланади. Ўғлининг бундай ножўя қилмишидан қаттиқ ранжиган Нодирабегим кичик ўғли Султонхон Маҳмуд билан бирга тахтда ўтирган Маъдалихонни ўртага олиб, канизакка уйланмаслигини ўқдиришиб, йўл-йўриқлар кўрсатишанизакнинг таърифини эшитиб, кўриш иштиёқига тушади. Бу орада Маъдалихон томонидан жазо сифатида мажбуран «саёҳатга жўнатилган Ҳакимхон эса Россия сургунидан қайтиб келаётиб, Бухорода Амир Насруллонинг иззат-икромли меҳмони бўлади. У суҳбат пайтида Амирга гўзал канизак Хонпошшанинг қиёси йўқ ҳусн соҳиби эканлигини шоирона тасвирлаб берадики, бундан амир ҳайратга тушади. Аммо, тарихчи Ҳакимхон Қўқонга бормай, Шаҳрисабзда яшай бошлайди. Кўп ўтмасдан, акаси Маъдалихондан қочиб, Шаҳрисабзда яшаётган Султонхон Маҳмуддан Бухоро ҳукмдорига мактуб келади. Унда қуйидагилар ёзилганди: «Эшитишимча, акам Муҳаммад Алихон ўзбошимчалик билан отам хотинларидан бирини никоҳига олган. Шаҳри Бухорои шариф аҳли уламолар маконидир. Руҳонийлар бу муаммони қандай баҳолар эканлар? Бутун Мовароуннаҳри ўзига итоат эттирган Сиздек буюк Амир бундай ифлос ишга қандай қарайдилар?» Бу мактуб Амир Насруллога дастак бўлиб, 1842 йили Қўқонга қарши юриш бошлайди. Нодирабегим, Маъдалихон, Султонхон Маҳмуд ва унинг гўдак фарзандлари қиличдан ўтказилади. Хонпошша билан унинг икки фарзанди, шунингдек, канизакка уйланиши учун ёш хонга йўл топиб берган иккала мулла Бухорого олиб кетилади. Борган кунининг эртасигаёқ Амир Насрулло Хонпошшани никоҳига олади. Орадан икки-уч ой ўтгач, Амирнинг ўртанча хотини Кенагас бегойим томонидан Насрулло кечаси маст уйқуда ётганида ўлдирилади. У шаҳрисабзлик ёш бек Ёқуббекнинг гўзалликда тенги йўқ жуфти ҳалоли эди. Амир зўрлик билан уни ҳам ўз никоҳига олганди. Суюкли эридан тортиб олиниши, бунинг устига Фарғона гўзали Хонпошшанинг фожеали олиб келиниши Кенагас бегойимнинг ғазабини қўзғатиб юборганди. Амирнинг қотиллари сифатида Қенагас ва Хонпошша икки фарзанди билан қатл этилади...

Юқоридаги гўзаллар фожеаси сир-асрорини ўрганган севикли ёзувчимиз Абдулла Қодирийни бу воқеа қизиқтириб қўйганди. Адибнинг энг сўнгги асари «Амир Умархоннинг канизи»нинг асосий мазмуни мана шу воқеа бўлганлиги тарихий манбаларда айтилган.

Аммо, қатағонлик авж олган йиллардаги адолатсизликлар туфайли бу ажойиб асарни ўқиш бирор кимсага насиб этмади. Ёзувчи асарнинг энг сўнгги бобини ёзаётганида ҳибсга олинган, юрак қони билан яратилаётган қўлёзма эса ўйланмай-нетмай ёқиб юборилган. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, деганларидай мана энди мустақиллик туфайли адолат торозисини ушлаган ҳолда ўтмишимиздаги баъзи бир чиркин ҳаракатларга ачиниб ўтирибмиз. Буюк келажак сари интилаётган ҳозирги кунларда ўтмишимиздаги иллатларни эслаб қўйсак, навбатдаги режаларимизни амалга оширишимизда фойдадан ҳоли бўлмайди.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

Фермерлик ҳаракатининг истиқболига катта умид боғлаган И. Мамадалиева бугун унинг шарофатидан бахраманд бўлиб турибди. Учкўприк туманидаги «Оксув» деҳқон-фермерлар уюшмасидан ортиқ олинган 12 сотих ерга лимон кўчатларини экиб парваришлашга муваффақ бўлган бу аёл икки тоннадан ортиқ лимон етиштиришга эришди. «Меҳнатдан келса бойлик турмуш бўлар чиройлик», деб шуни айтадилар-да! Эндиликда у соҳани янада ривожлантириш устида астойдил изланмоқда. СУРАТДА: фермер Иззатхон Мамадалиева ўз лимонарийсида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Адолат тарозуси

ЎН ЯРИМ ОЙГА ЧЎЗИЛГАН ТЕРГОВ

амалдаги қонунларни четлаб бунга йўл қўйиш кимга керак бўлиб қолди?

Бунақасини эшитмагансиз: шу кеча-кундузда терговнинг ўн ярим ой олиб борилиши мумкинми? Йўқ деяпсизми? Балли! Бироқ қонун назоратчиларига мумкин экан. Бўстонлиқ туман прокуратураси томонидан қўзғатилиб, кейинчалик Чирчиқ шаҳар прокуратурасига ўтказиб берилган 64/102-сонли жиноят ишининг менга тегишли қисми шундай бўлди: ҳаракатларимда жиноят таркиби (аломатлари) бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан тўхтатилди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасида белгилаб берилганидек, дастлабки тергов уч ойгача бўлган муддатда тамомланиши керак эди. Терговни кимлар қай тарзда узайтириши мумкин? Бу ҳақда мазкур қонун ҳужжатида аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган: вилоят прокурорлари томонидан бу муддат беш ойга, республика Бош прокурори ўринбосарлари томонидан етти ойга, республика Бош прокурори томонидан эса тўққиз ойга қадар узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Менга нисбатан чиқарилган прокуратура қарорининг вужудга келишига ўн ярим ой керак бўлганига қандай қараш мумкин экан, билмадим! Ахир инсон тақдири ўйинчоқ эмаску?! Қонун устуворлиги ҳаёт тарзимизга айланаётган шу шуқуҳли кунларда унга нисбатан шунчалик бефарқ муносабатда бўлиш инсофданми?

Мана ниҳоят ҳақиқат қарор топди. Аммо унга етишгунимча тортган азобларимни, чекган изтиробларимни фақат ўзим биламан. Мени порахўрликда айблаб туҳмат балосига гирифтор этмоқчи бўлганларга эса ҳалигача ҳеч қандай жазо берилгани йўқ.

Аслида воқеа шундай бўлганди. 2001 йилнинг октябрь ойи учинчи ўн кунлигида Бўстонлиқ тумани прокуратурасининг катта терговчиси Бахтиёр Ҳасанов чақиртириб қолди. Унинг ҳузурида «Қўрғон» агрофирмасини текширганмисиз» деган саволни эшитиб қайтон қолдим. 2001 йилнинг 25 январидан буён Бўстонлиқ туман Давлат солиқ инспекциясида хавфсизлик ва солиқ тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бош мутахассис лавозимида ишлаб келаётгандим. Бажарадиган ишим инспекциямиз ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни назорат қилишдан иборат эди. Шунинг учун катта терговчига:

– Фирмани текширишга мени ҳеч қандай ҳаққим йўқ, – дея жавоб қилдим.

– Бориб текширибсан-ку, – деди у зарда билан.

– Бўйруққа қаранг, бўйрукда менинг фамилиям бор эканми, – дедим қатъий. – Унга қўл қўйган эканманми?

– Бор гапни оқизмай-томизмай гапириб бер, – деди катта терговчи пинагини бузмай.

Ҳамон ёдимда: инспекциямиз бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Қорабоев бир куни Ульпат Муслимов билан «Қўрғон» агрофирмасига бориб келинг, жанжал бўлиб юрмасин яна», деб қолди. Борсак фирма ёпиқ экан, хизмат вазифам фирмани текширишни тақозо этмаслиги туфайли ҳамкасбимни қолдириб ўзим ишхонага қайтиб келдим ва ўринбосарга фирманинг ёпиқ эканлигини билдириб, бошқа ишларим билан шуғулландим. Бор гап шу. Бу ҳақда катта терговчига тушунтириш хати ҳам ёзиб бердим. Билсам Ульпат Муслимов мени порахўрликда айблаб. МХХ Тошкент вилоят бошқармасига ариза берган экан. Эмишки, агрофирмада Муслимов билан текшириш ўтказиб қонунбузарликларни аниқлабмиз ва уни «бости-бости» қилиш учун агрофирманинг раҳбари билан тил топишиб, аниқланган қонунбузарликларни расмийлаштирмаслик эвазига 200 минг сўм олишга келишибман ва олинган пулдан 100 минг сўмини Муслимовга олиб келиб берибман. Шунчалар ҳам қабиҳлик бўладими? «Дард устига чипқон» деганларидек «Зулфиқоров» хусусий агрофирмасининг раҳбари А. Зулфиқоров Раҳмат Тешабоев мендан 50 минг сўм, тадбиркор А. Ҳайитбоев эса 30 минг сўм пора олди, деб ариза ёзиб, туҳмат уюштиришди. Аслида эса бу ўзимга топширилган вазифани сидқидилдан бажариб, яхши ишлаб юрганлигим учун берилган «мукофот» эди. Негаки иш жараёнида инспекциямиздаги айрим ходимларнинг хато ва камчиликларини аниқлай бошлагандим. Бу кимлардир ёқмади ва охир-оқибат менга нисбатан туҳмат уюштирилди. 2001 йилнинг октябрь ойи охирларида, яъни, 50 ёшга тўлган кунларим рўй берган бу нохуш воқеа юрагимни ларзага солди. Прокуратура идораларининг инсон тақдирига лоқайдлигидан ҳалигача ўзимга келолмаяпман. Бу жиноий иш Бўстонлиқ туман прокуратурасида икки ойдан ортиқроқ ётди. Кейин номаълум сабабларга кўра Чирчиқ шаҳар прокуратурасига ўтказиб юборилди. Оқибатда ҳақиқатни ойдинлаштириш учун ўн ярим ой вақт кетди. Терговни чўзилиб кетаётганлиги устидан Тошкент вилоят прокурорига кетма-кет қилган мурожаатларимдан сўнггина ишлар силжиди. Жиноий ишнинг менга тегишли бўлган қисми ҳаракатларимда жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли Чирчиқ шаҳар прокуратурасининг 2002 йил 6 сентябрдаги қарорига мувофиқ ҳаракатдан тугатилди. Менга нисбатан туҳмат балосини ёғдирганларнинг ўзларини жазолашга эса ҳалигача ҳеч ким ошиқмаяпти. Туҳматчиларни жиноий жавобгарликка тортишни сўрад Бўстонлик туман прокурори номига 2002 йил 15 ноябрда ёзган аризам ҳамон натижасиз қолиб келмоқда. Прокуратурадаги ўйинларни қаранг: Бўстонлиқ туман прокуратураси аризамни ҳал қилмай, Чирчиқ шаҳар прокуратурасига ўтказиб юборди. Чирчиқ шаҳар прокурори А. Ҳакимов эса аризани ўзидан соқит қилиб, Чирчиқ шаҳар туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига кўриб чиқиш учун 2002 йилнинг 13 декабрь куни жўнатиб юборибди. Ваҳоланки, суд-га аризамнинг ҳеч қандай алоқадор томони йўқ эди. Менинг бу ҳақдаги мурожаатимдан сўнг Чирчиқ шаҳар туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди шу йилнинг 7 январида Чирчиқ шаҳар прокурори номига расмий ҳат тайёрлаб аризамни қайтариб юборди. Жумладан, бу ҳатда шундай дейилади: «Фуқаро Тешабоев Р.нинг фуқаро У. Муслимов, А. Зулфиқоров ва А. Ҳайитбоевларнинг туҳмат қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги аризасини қайтараман.

Ушбу ариза жиноят ҳақидаги ариза ҳисобланади. ЎР ЖПКнинг 324–331-моддаларида белгиланган тартибларга кўра тергов органи аввало жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиши керак эди. Ишда тергов органининг Тешабоев аризаси бўйича жиноят иши қўзғатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қабул қилган қарорлари йўқ. Қонун талаби бўйича прокуратура идораларига тушган аризалар бўйича жиноят иши қўзғатиш ёки рад этиш масаласи судга тааллуқли эмас?

Бунисига нима дейсиз?

Наҳотки ЎРЖПКнинг 329-моддаси талаблари Бўстонлиқ тумани ва Чирчиқ шаҳар прокуратураси ходимларига тааллуқли бўлмаса? Аслида Тошкент вилоят Давлат солиқ бошқармасидаги тегишли раҳбарларга ҳам айрим эътирозларим бор. Рўй берган бу нохуш воқеа юзасидан улар ўз вақтида ички Низомимизга мувофиқ махсус хизмат текшируви ўтказишганида эди, масала бу қадар чигаллашиб кетмаган бўларди.

Туҳмат ва терговдаги сансалорликлар оқибатида мен қон босими касаллигига учраб, олти ой ишга чиқаолмасдан шифохоналарда даволандим. Катта миқдорда моддий ва маънавий зарар кўрдим. Бинойидек ишимдан ажралдим. Яхшиямки, адолат бор экан, Охирги ҳақиқат қарор топди. Ҳаётнинг аччиқ сабоғи шу экан, найлайин. Мен кўрган кунлар, тортган азоблар энди ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Ноҳақдан ҳеч ким туҳмат балосига гирифтор бўлмасин! Энг муҳими эса қонун ҳимоячилари масаланинг ечимини ўз вақтида ҳал этсинлар.

Раҳмат ТЕШАБОЕВ,
Тошкент вилояти.

Ажаб савдолар

НАЗОРАТСИЗ ҚОЛГАН ҲУКМ

ёки Каттақўрғон туманидаги «Пайшанбагазтаъминот» идораси раҳбари устидан чиқарилган суд ҳукми нега бажарилмади?

Ҳа, «Пайшанбагазтаъминот» идораси раҳбари Муродулла Жумаевнинг устидан жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг 2003 йил 6 январда чиқарган ҳукмининг бир банди бажарилмади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 45-моддасига асосан бир йил муддатга муассаса, корхона ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик вазифалари билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганига қарамай у ўз жойидан қимирлаб ҳам қўймади. Мазкур идорада раҳбарлик вазифасини давом эттираверди. Ҳозир ҳам шундай: гўёки ҳеч нарса бўлмагандек раҳбарлигини қилиб, ишга келиб-кетиб юрибди. Мазкур воқеадан хабардор кишилар эса ҳайрон: жиноий жавобгарликка тортилган одамга суд ҳукми таъсир этмас эканда? У ҳолда нега бу банд ҳукмга киритилади? Қонун ҳамма учун баробар эмасми, дея ижроси назоратсиз қолдирилган бу суд ҳукми ҳозир кўпчиликни таажжубга солмоқда. Шунга монанд «Пайшанбагазтаъминот» идорасидаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас.

Каттақўрғон туманидаги қишлоқларнинг хонадаларида кейинги икки йил ичида қишда газ анча пасайиб кетмоқда. Бундан туб аҳоли анча азоб чекмоқда. Айниқса, «Зарафшон», Улуғбек номли, Р. Исломова номли ширкат хўжаликларидаги Муллакўрпа, Дурбеш номли маҳаллаларда газнинг пасайиб, ўчиб қолаётганлигига нима дейсиз?! Маҳаллий аҳоли идора раҳбарининг ҳузурига қатнайвериб холдан тойди.

Бу борада вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан «Пайшанбагазтаъминот» идораси раҳбари Муродулла Жумаев бир неча бор огоҳлантирилди. Лекин у сувдан қуруқ чиқиш учун баҳона топишга устаси фаранг экан. Қабулига келган кишиларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиргани етмаганидек, ҳокимликларни ҳам «одамлар молхонасини иситиш учун газ ёқишяпти, шунинг учун ҳаммага бирдай газ етиб бормаётир», дея алдаб, ўзини оқлаб келяпти. Ажабо, ҳовлилардаги молхоналарга ҳам газ ўрнатилганлигини Жумаев билар экан, нега ўшаларга нисбатан тегишли чора кўрмайди? Агар бу ноқонуний бўлса, ғирт ўғирликнинг ўзи-ку?!.

Туманнинг қайси худудида газдан ноқонуний фойдаланаётганларни, исроф қилаётганларни назорат қилиш, фактлар асосида тегишли ташкилотларга маълумот бериш унинг вазифаси-ку! Аравани қуруқ олиб қочиш билан одамларнинг уйини иситиб бўладими?!.

...Кўп нарса раҳбарнинг жонкуярлиги, ташкилотчилиги, фидокорлигига боғлиқ. Ахир унинг қўл остида ўн, ўн беш киши эмас, 140 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади. Қоласверса, «Пайшанбагазтаъминот» идорасида техника-транспорт воситалари етарли. Нега энди мавжуд шароитга эга бўлган «Пайшанбагазтаъминот» идораси учун ҳокимликлар вакиллари қишлоқма қишлоқ юриши керак?!.

Аччиқ бўлса ҳам очиқ айтиш керак. Муродулла Жумаев аҳоли эҳтиёжини ўрганиш, ўзи раҳбарлигидаги ташкилот мутахассислари ҳамкорлигида газ пасайган ёки ўчиб қолган қишлоқларда бўлиб, сабабларини аниқлаш ўрнига «Пайшанбагазтаъминот» идорасининг айрим масъул хизматчилари билан ноқонуний ишларга қўл уриб келяпти. Туман ҳудудида режадаги белгиланган газнинг назоратсизлиги натижасида ўтган йиллар мобайнида «Пайшанбагазтаъминот» корхонасига 122 миллион 677 минг сўмлик зарар етказилди. Аслида бу зарар кўзбўямачилик оқибатида содир этилди, десак ҳам бўлади. Негаки газ идораси масъул ходимлари томонидан 2000 йилнинг 1 июнидан 2001 йил 1 декабригача 7 миллион 956 минг кубометр, яъни, 21 миллион 483 минг сўмлик ноқонуний ҳисобланган табиий газ фуқароларга етказиб берилмади. Шундай қилиб, «Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонасига сохта маълумотлар берилганини қандай баҳолаш мумкин? Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, юқори ташкилотларга қалбаки ҳисоботлар бериш туфайли ҳам аҳоли газдан тўлиқ фойдаланмаяпти?! Ишчилар эса маошларини вақтида олишолмаяпти.

Тўғри, Муродулла Жумаев ва масъул хизматчилар О. Очилов, С. Абдужалолов, Ф. Азизовлар қилган хато ва жиноятлари эвазига тегишли жазо олдилар. Ачинарли томони шундаки, Муродулла Жумаев ҳозир ҳам ўз вазифасида ишлаётганига қарамай аҳоли эҳтиёжини қондира олмаётгани, ҳамон масъулиятни чуқур хис этмагани тушинарсиздир. Табиий газ истеъмоли учун аҳолидан йиғиладиган коммунал тўловларини 2002 йил октябрь ойида 10 миллион, ноябрь ойида 10 миллион 500 минг сўм, декабрь ойида қарийб 12 миллион сўмни қўшиб ёзиб маълумот берилганини қандай баҳолаш керак?

Банк муассасаларига тушган ҳақиқий пул маблағи билан берилган ҳисоботнинг сохталиги натижасида аҳолининг дебитор қарздорлиги ошиб бораётгани наҳотки «Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси, «Бошкоммуналгаз» корхонаси раҳбарлари сезмаётган бўлишса?!

Хуллас, Каттақўрғон туманидаги «Пайшанбагазтаъминот» ташкилотида ана шунақа сирли «ўйинлар» давом этаётганлиги туфайли ҳам қишлоқлардаги хонадон эгалари табиий газдан тўлиқ фойдалана олишмаяпти. Бу борада адолат юзасидан хулоса чиқариш «Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси раҳбарлари ҳукмига ҳавола.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

«ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРИ» АМАЛДА

Тошкентдаги халқаро бизнес марказида Каунтерпарт Концорциум Интернейшнл халқаро ташкилоти томонидан фуқаролар манфаатларини қўллаб-қувватлаш дастури (CASP)нинг тақдимот маросими ўтказилди.

– АҚШ давлат департаменти Ўзбекистоннинг жамиятда ислоҳотларни ўтказиш, хусусан фуқаролар манфаатларини мустаҳкамлашга йўналтирилган «Обод маҳалла» дастурининг қабул қилинишини мамнуният билан қўллаб-қувватлайди, – деди АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст йиғилишда сўза чиқиб.

Каунтерпарт Концорциум Интернейшнл мамлакатимизда икки йилдан буён фуқаролик манфаатларини қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириб келади. Дастур асосан Ўзбекистонда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига кўмак бериш каби мақсадларга қаратилган. Ушбу дастурда кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича, Каунтерпарт интернейшнл танлов асосида 15 та нодавлат, нотижорат ташкилотни танлаб олди. Нима учун айнан ҳуқуматга тегишли бўлмаган ташкилотлар танлаб олинди, деган савол туғилиши мумкин. Чунки фуқаролик жамиятини шакллантиришда айнан шундай ташкилотларнинг роли катта. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари давлат ташкилотлари каби қонун ижодкорлигида иштирок эта олишлари, қонунларнинг яратиш жараёнида фуқаролар манфаатларини ёқлаб таклиф ва мулоҳазаларини билдиришлари мумкин. Асосийси, бундай ташкилотлар амалдаги қонунлар ижросини, қонун чиқарувчи ҳамда ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

«ОММАВИЙ ҲУҚУҚ»

Америка Юристлар ассоциацияси /Марказий Европа ва Евроосиё (ABA/CEELI) мамлакатлари учун ҳуқуқий ташаббус дастури/ томонидан Фарғона водийсида «Оммавий ҳуқуқ» лойиҳаси амалга оширила бошланди.

Мазкур лойиҳани АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) қўллаб-қувватламоқда. Лойиҳа бўйича дастлабки ўқув ишларида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст қатнашди.

«Оммавий ҳуқуқ» (Street Law) халқаро лойиҳаси АҚШ ва МДҲ давлатлари билан биргаликда 25 дан зиёд мамлакатда амалга оширилаётир. Лойиҳа доирасида дастлабки ўқувлар ташкил этилди. Ушбу курсларни тугаллаган олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунос талабалари ўрта мактаб ўқувчилари ва аҳоли билан ҳуқуқий масалалар соҳасида машғулотлар ўтказди.

Ушбу дастурнинг қулай жиҳати шундаки, талаба-ҳуқуқшунослар амалий кўникмаларни эгаллаши билан бирга, ўқувчилар ҳамда аҳолига ҳуқуқий билимларни ўргатиб боради. Мазкур курсларда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги юридик факультетларнинг 25 нафарга яқин талабалари сабоқ олишди. Дастлабки икки кунда талабаларга Тошкент ва Фарғонадан келган йўриқчилар дарс беришди. Машғулотларнинг охирги кунида талабалар ўзларининг ўқув услубларини ишлаб чиқиб, уни элчи Ж. Хёрбстга тақдим этди. Ж. Хёрбст талабаларга ўқув курсини тугаллаганлиги тўғрисида сертификатларни топширди.

Street Law доирасида ушбу лойиҳанинг Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларидаги иштирокчилари билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Ушбу йўсинда турли давлатлардаги талаба-ҳуқуқшунослар Street Law дастури кўмагида ўзаро тажриба ва билимларини алмашади.

Ҳаётбахш Фармон

АМИР ТЕМУРНИ ҚЎРҚИТГАН ЁҒИЙ

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз мамлакатда фуқаролик жамиятини шаклантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида инсон омилига эътиборни қаратган эдилар.

2002 йил 24 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эса тилга олинган йўналиш бўйича ҳаракатнинг изчиллигини, узвийлигини таъминловчи ҳужжат бўлди.

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод тарбияси бир ёқламалик касб этган. Келажак авлод саломатлиги, эртамиз эгаларининг, халқона айтганда, таянар-суянарларимизнинг жисмоний баркамоллигига тиббиёт соҳасигина дахлдордай. Ахир, умумманфаат учун умумҳаракат шарт-ку! Болаларнинг болаликданоқ дори-дармонга суянгани тўғрими ёки жисмоний ҳаракатга, ўзига бўлган ишончига суянгани маъқулмикин? Танлай билиш учун Суқрот маслаҳати зарур эмас. Жисмоний ҳаракат аслида ҳаётнинг асоси, негизи, манбаи эканлиги қадимдан маълум.

Афсуски, соғлом авлод тарбиясини бугунги кунда тиббиёт соҳасида маълум даражада жисмоний тарбия муаллимлари зиммасига юклаб қўйганимиз аччиқ ҳақиқат.

МИЛЛИЙ ГЕНЕФОНД ТАШВИШИ

Халқаро кенг истеъмолдаги бу айрим ёши улуғларимизга нотаниш сўзни ўзимизга ўгирсак, соғлом зурриёд, саломат, заҳасиз пушти камар, десак хато бўлмас.

Ҳаёт давом этар экан, у ёки бу даражадаги ижтимоий муаммолар бўлаверади, топилаверади. Уларни муваффақиятли ҳал эта олишда, ҳар қандай вазиятда, шарт-шароитда улуғ инсоний фазилатлар соҳиби бўлиб қола билишда чиндан ҳам спортнинг аҳамияти тенгсиз.

Юрт довруғини достон қилувчи спортчилар тарбиялаш улуғвор мақсад, лекин болалар ўртасида жисмоний тарбиянинг чинакам маънодаги оммавийлигига эришиш асосий мақсад. Спорт берадиган лаззат, ҳузур Юртбошимиз ибораси билан айтганда, «Қанот чиқариб учиб юргандек» туйғу руҳий саломатликка мустаҳкам асос бўла олади. Жисмоний тарбия орқали соғлом турмуш тарзига кўниккан одам нос, сигарета, ароқнинг қайфини ичгачи ҳам тушунавермайди. Демак, миллий генефондни яхшилаш учун спорт энг муҳим восита.

ТЕМУР НЕДАН ҲАЙИҚҚАН?

Ҳамонки, гап генефондни яхшилаш ҳақида кетаркан, соғлом авлод тарбиясига ғоят жиддий путур етказиб келаётган айрим қусурларимизни тилга олмай «эсдан чиқариб қўйиш» инсофдан эмасдир. Бу яшовчан қусурлардан, хусусан, болалар, оналар, қариялар озор чекиб келаётганини «пайқамай» ўтаверишга ҳам охиратдан умидвор мўминларнинг тутуми эмас.

Гап шундаки, шаҳар ва айрим чекка қишлоқ ва маҳаллаларда кундузи-ю тунлари «хизмат кўрсатадиган» норасмий, хонаки дўконлар борлиги сир эмас.

«Обод маҳалла йили»да агар улар фаолият кўрсатаверса, маҳалла ободлигига ҳам путур етади, генефонд ҳам хатарли. Энди уларга инсоф тилаш билангина иш битмайди. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Юртбошимиз таъкидлаганидек, энди давлат назорати эмас, жамоатчилик назорати ҳал қилувчи гапни айтиши керак. Маҳаллалар фаоллари, ёши улуғлар, тарбия соҳаси мутасаддилари, қолаверса, ўқувчиларнинг ўзларидан иборат назорат гуруҳлари тузиш ва қўшма рейдлар ўтказиш зарурати пайдо бўлади.

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирор томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишни ман этдим». Бу буюк саркарданинг май оқибатларидан безовта қалб нидолари.

ТАКЛИФ

Таълим-тарбия муассасаларида мазкур Фармоннинг моҳиятини, мақсадини, ўқувчилар, ёшларга мувофиқ тарзда тушунтириб, изоҳлаб, тарғиб қилиб турилса, Болалар спортини ривожлантириш – умуммиллий эзгу ҳаракат эканлигини болаларга етказилса, бу масалага янада чуқурроқ ёндашган бўламиз.

«Болалар спортини ривожлантириш фақат даҳлдор идоралар мутахассисларинингина эмас, барчанинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Мен бу тадбирнинг умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилишини истар эдим».

Президентимизнинг бу истакларидан болалар муассасалари тарбиялануувчилари албатта воқиф бўлишлари лозим.

АФСУСКИ...

Айрим мактаблар спорт майдонлари қарови фақат жисмоний тарбия муаллимлари зиммасидаги юмушга айланиб қолган. Болалар психологиясига спортчалик кучли ижобий таъсир воситаси йўқ ҳисоб. Ҳамонки, соғлом тан, соғлом ақл учун ҳаракат бошланаётган экан, мактаб, боғча раҳбарлари, ота-оналар эътиборини бу ғоят жиддий масалага қарата билишлари, мактаб, боғча микроучасткасидаги фарзандлари туфайли дахлдор соҳоватпеша тадбиркор, ишбилармон, савоб талаб одамларимиз билан муносабатларни самимий йўлга солмоқ – бугунги раҳбарнинг энг муҳим, энг зарур, янги даврга оҳангдош фаолият қирраси.

ИСТАРДИККИ...

Ҳеч кимнинг тарғиботисиз, неварали бўлишларига қарамай спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлом турмуш тарзидан баҳраманд бўлиб юрган, ўз фарзандларига ўз уйларида спорт анжомлари (масалан, турник) ясаб берган оталар бор. Улар ҳақида матбуотда кенг ёритишни йўлга қўйсак, нур устига нур демак.

Умуман, чекмасликлари ва ичмасликлари билан болаларга жимгина ўрнак бўлган врачлар, ўқитувчилар жуда кўп. Бу мавзулар асло майда-чуйда мавзу эмас. Сизлардан хат-хабарлар кутамиз. Бу билан умуммиллий ҳаракатнинг иштирокчисига айланасиз.

М. СУЛТОНҚУЛОВ.

● БОШ ҒОЯМИЗ – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишдир. Бу бош ғоя замирида асосий ғоялар ётади. Асосий ғояларимиз Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби тушунчаларни ўзида мужассам этган.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

Умар ХАЙЁМ.

Болалар спорти

ЭРТАНГИ КУН ЧЕМПИОНЛАРИ

«Пахтакор» футбол мактаби ўз тарихи ва анъанасига эга. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг етакчи жамоаларига юзлаб иқтидорли футболчиларни етказиб берган бу даргоҳда айни пайтда ҳам кўплаб болалар чарм тўп сирларини ўрганишмоқда. Уларга Дилшод Нуралиев, Қудрат Мадаминов, Линур Еремеев, Мурод Алиев, Абдусаттор Раҳимов сингари тажрибали мураббийлар таҳсил беришмоқда.

– Ўз фарзандларининг футбол мактабимизда тарбиялашишини орзу қилмаган ота-она топилмаса керак, – дейди мураббий Қудрат Мадаминов. – Ҳақиқатан бу ерда ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитлар бор. Аммо барча иқтидорли болаларни истаганча ўқишга қабул қила олмаймиз. Чунки имкониятларимиз чекланган. Машғулот майдончалари етишмайди. Мамлакатимизда иш бошлаган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» эса ишонаманки, келажакда спортчи бўламан, деган болакайларнинг орзулари ушалишига кўмаклашади. Президентимизнинг шу хусусдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарори жойларда болалар спортини ривожлантириш учун янги-янги имкониятлар очади, шарт-шароитлар яратади.

Аҳмад АНВАР.

СУРАТДА: мураббий Қудрат Мадаминов шогирдлари билан.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Спорт оламида

КЕЙИНГИ РАҚИБ — ТАИЛАНД ТЕННИСЧИЛАРИ

Ўтган дам олиш кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубоги баҳсларининг жаҳон лигасига йўлланма берувчи Осиё-Океания минтақасидаги саралаш учрашувларидан бири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси индонезиялик ракеткачиларга қарши кортга чиқди.

Бу Индонезия терма жамоасининг ҳамюртларимиз билан норасмий жаҳон чемпионати саналган Дэвис кубоги мусобақаларидаги иккинчи маратоба рўбарў келиши эди. Илк бор бундан икки йил муқаддам Жакартада ўтказилган баҳс тен-

нисчиларимизнинг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланганди. Ушбу ютуқнинг таъсирими, ё бошқа жиҳати ҳисобга олиндими, ишқилиб бу галги беллашув олдидан мутахассислар индонезияликларни жиддий рақиблар қаторига қўйишмади. Учрашувда вакилларимизнинг осонликча ғалаба қозонишига ишонч билдирилди.

Бироқ, уч кун давом этган баҳслар қутилмаганда кескин ва муросасиз кечди. Ракеткачиларимиз катта қийинчилик билан умумий 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди:

Биринчи кун.
Олег Огородов — Петер Хондайо — 7/6(6), 5/7, 6/4, 5/7, 6/3.
Вадим Куценко — Феби Видхиянто — 6/2, 6/7(5), 2/6, 6/0, 2/6.

Иккинчи кун.
Куценко/Огородов — Хондайо/Суванди — 6/7(2), 3/6, 7/5, 4/6.

Учинчи кун.
Вадим Куценко — Петер Хондайо — 4/6, 6/4, 6/1, 6/0.
Олег Огородов — Феби Видхиянто — 1/6, 7/5, 7/5, 6/0.

Осиё-Океания минтақаси биринчи гуруҳидаги қолган учрашувлар эса қуйидаги ҳисоблар билан якунланди: Ҳиндистон — Япония — 4:1, Янги Зеландия — Покистон — 5:0, Таиланд — Жанубий Корея — 4:1.

Қурғаға кўра, Ўзбекистон терма жамоаси кейинги босқичда Таиланд теннисчилари билан куч синашади. Агар Осиёнинг биринчи ракеткачиси Парадорн Шричапханнинг айнан таиландлик эканлигини ҳисобга олсак, навбатдаги учрашувлар осон кечмаслиги ойдек равшан. Вакилларимизнинг муваффақиятли одимларини давом эттиришлари учун эса келгуси босқичда Вадим Куценко ёки Олег Огородов Шричапхан билан ўтадиган икки ўйиндан ҳеч бўлмаганда биттасида ғалаба қозонишлари зарур бўлади. Бу учрашув шу йилнинг 4-6 апрель кунлари ўтказилади.

ОГАХАВО «ШАХТЁР»НИ ТАРК ЭТАДИМИ?

Январь ойида Москвада ўтказилган анъанавий МДҲ мамлакатлари чемпионлари турнирида нигериялик ҳужумчи Жулиус Огахаво Украина чемпиони «Шахтёр» жамоаси шарафини ҳимоя қилганди. Бу таниқли футболчи мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» ва донецкликлар учрашувида ҳам тўп сурганди.

Аммо Жулиуснинг янги мавсумни украиналиклар таркибида ўтказиши сўроқ остида турибди. Бунга эса Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи футбол клуби «Ал-Ҳилол» раҳбарларининг уни ўз жамоаларига таклиф қилаётганликлари сабаб бўлмоқда. Ҳозирча Огахавонинг шахсан ўзи янги таклифга ҳайрихоҳлик билдираётган бўлса-да, масалага жамоалар раҳбарларининг келишувидан сўнг ойдинлик киритилади.

ГЕРМАНИЯ — РОССИЯ УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Футбол бўйича Германия ва Россия терма жамоалари ўртасида шу йилнинг 2 апрелида ўртоқлик учрашуви ўтказилиши режалаштирилганди.

Бироқ, Россия Футбол уюшмаси президенти Вячеслав Колосковнинг «Спорт-экспресс» газетаси мухбирига берган маълумоти бўйича айрим сабабларга кўра бу ўйин ўтказилмайдиган бўлди. Германияда уюштирилиши мўлжалланган мазкур учрашувдан тушган маблағ ўтган йили немислар диёрида сув тошқинидан жабрланганлар оиласига ёрдам тариқасида ҳадя этилиши кутилганди.

Аҳмад ХОЛБОБОЕВ, «Адолат» мухбири

ЯШИРИН ЦЕХЛАР

Солиқ фош этади

Уларнинг ортидан мўмай даромад топаман деганларнинг чуви чиқди

Ишониб бўлмайди, аммо бу бор ҳақиқат эди. Тушган тезкор маълумотларни аниқлаш учун махсус гуруҳ тузилди. Уларнинг ҳар бирига ўрганиладиган «объект» ҳақида ахборот берилиб, ишнинг нозиклиги тушунтирилди. Ахир ўз хонадонида яширин цех ташкил этиб, қўлбола мой ишлаб чиқаришни ҳамма ҳам уддалайвермайди. Уларнинг сирини фош этиб, кирдикорларини очиб ташлаш учун бой тажриба, малака ва албатта катта маҳорат керак.

Ёрдамга газ ва электр таъминоти идорасидан ҳам мутахассислар жалб этилди. Инспекциямиз ходимлари «Улуғбек» ширкат хўжалигидаги Галаботир қишлоғида жойлашган Ҳайрулла Турғуновнинг хонадонида бўлишганида аввалига уй эгаси уларнинг тахминини пучга чиқармоқчи бўлди. Бироқ электр ва газдан фойдаланишни ўрганиш баҳонасида ҳовлини кўздан кечириб чиққан мутахассислар мой ишлаб чиқарувчи ускунани топишди. 108 килограмм қўлбола ёғ ҳам ғайри-қонуний йўллар билан савдога чиқаришга ҳозирлаб қўйилганди. Тезкор гурух вокеа тафсилотларини чуқурроқ ўрганди. Оқибатда кўздан панага яшириб қўйилган 1200 килограмм қунжара уларнинг синчков нигоҳидан четда қолмади. Яширин мойжувоз цехининг ноқонуний фаолияти тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштириб, мазкур иш тегишли идораларга жўнатилди.

Бу ҳол Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида биринчи маротаба рўй бераётгани йўқ. Инспекциямиз ходимлари кейинги бир йилнинг ўзида яширин йўллар билан ишлаб чиқарилган сохта пахта ёғининг ўндан зиёдини аниқлашди.

Кейинги пайтларда пинхона равишда яширин йўллар билан ёғ ишлаб чиқаришга мослаштирилган цехларни фош этаяпмиз. Чунки бундай қонунсиз ишларнинг ўз вақтида олди олинмаса, унга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаса ахвол жиддийлашиб, кескин тус олиб кетиши мумкин. Яқинда «Гулистон» ширкат хўжалигида яшовчи, 1969 йилда туғилган, вақтинча ҳеч қаерда ишламаётган Сайидкамол Қодировнинг найрангини фош этдик. Мутахассисларимиз томонидан тахмин этилган хонадон синчиклаб текширилганда юқори қувватли икки комплект электр двигатели ва мой ишлаб чиқарадиган аппаратни топишди. Ёғ идишларнинг тагидаги қолдиклар экспертизага жўнатилиб текшириб кўрилганида бу ерда истеъмолга яроқсиз қўлбола ёғ ишлаб чиқарилгани маълум бўлди. Асли оққўрғонлик бўлган Саидкамол Қодиров устамонлик билан иш юритмоқчи бўлган экан. У туманимизда яшовчи Алихўжа Персатанов билан оғзаки келишувга асосан унинг хонадонига мой ишлаб чиқарадиган ускуналарни ўрнатиб, фаолиятини бошлаб юборган экан. Бироқ бу фаолият узоққа чўзилмади. Солиқ хизмати ходимлари унга чек қўйишди.

Яширин йўллар билан ноқонуний равишда мўмай даромад орттирмоқчи бўлган сохта тадбиркорнинг фаолиятига эса чек қўйилди. Уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Қўлбола ёғ ишлаб чиқаришни ортидан келадиган ташвишлар ҳам энди уларнинг кўзини мощдек очиб қўяди. Суд орқали ундирилган жарималардан ташқари бундай фаолият билан шуғулланганлар ўғринча равишда газ ва электрдан фойдаланганликлари учун катта миқдорда жарима ҳам тўлашади. Санэпидстанциядан олинган лаборатория анализлари бундай қўлбола ёғларнинг истеъмолга мутлақо яроқсизлигини кўрсатмоқда. Демакки, улар одамларнинг соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Итеъмолчиларнинг манфаатларини паймол этишаяпти.

Ноқонуний йўллар билан яширин даромад орттириш озиқ-овқат маҳсулотларида ҳам учраётганлиги таажжубланарли. Туманимизнинг Отажонов номли ширкат хўжалигининг 7-бўлимида жойлашган йўл-патрул хизмати масканида текшириш ўтказаётган инспекциямиз ходимлари Е4371 НВ рақамли КАМАЗ юк машинасини тўхтатишганда аввалига ҳайдовчининг ҳужжатлари бинойидагидек туюлди. Аммо айнан шу йўл орқали Наманган вилоятининг Чуст шаҳрига машинанинг бораётганлиги солиқчиларимизни эътиборсиз қолдирмади. Йўл ҳужжатлари ўрганиб чиқилганда 19 тонна тузнинг ҳужжатлари сохта эканлиги фош бўлди. Ўз нафси йўлида Уткир Хаитов истеъмолга яроқсиз йодланмаган тузни Навоий вилоятидан Наманганга олиб бориб сотиб, яхшигина пул ишламоқчи бўлган экан. Бироқ солиқчилар бунга йўл қўйишмади. Бухоро вилоятининг Рамитон туманида яшовчи, 1965 йилда туғилган Тўрамурод Авезов ҳам йодланмаган тузни Андижон вилоятига олиб бориб сотаман, деб мудоасига ета олмади. «Қўрғонча» постида рейд ўтказаётган солиқ хизмати ходимларига рўбарў бўлди. Лаборатория анализлари эса тузнинг истеъмолга мутлақо яроқсизлигини кўрсатди. Уларга нисбатан тегишли идоралар томонидан қонуний чоралар кўрилди.

Раҳимжон САЙДОРОВ, Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси маъмурий амалиётни ташкил этиш ва назорат қилиш инспектори.

Жиноят ва жазо

ҚИШЛОҚДАГИ ҚОТИЛЛИК

Барча аёллар сингари у ҳам эри билан яхши турмуш кечириб, фарзандларига тўйлар қилиш орзусида яшарди. Республикамиз мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида Президентнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниб, унинг шарофати билан эрининг муддатидан олдин қамоқдан қайтаётганлигини эшитиб ич-ичидан севинди. Олти йиллик айрилиқ. Бу вақт давомида икки нафар фарзандим бировлардан кам бўлмай ўсиб улғайсин, дея тортган машаққатларини эсларкан, кўз олди ёшланди...

Қутилганидек, 1999 йилнинг ноябрида Жўрақул Номозов 11 йиллик қамоқнинг 6 йилини ўтказиб, Жўшга қайтди. Бу – Номозовлар оиласига чинакам хурсандчилик олиб келди. Айниқса, жажжи 2 фарзандининг чексиз қувончини айтмайсизми?! Ҳа, шу куни Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Жўш қишлоғида бир оила бошқалар сингари бахтли турмуш кечиришга йўналтирилган ҳаёт йўлига қўшилди.

Эндиликда Жўрақул рўзғорни тебратиш, кам-кўстини бутлаши керак. Жўшда меҳнат қиламан деса, иш кам эмас. Тўланадиган иш ҳақи камлигини инкор этиб бўлмайди. Лекин қишлоқдагилар тадбиркорлик билан чорва, ердан унумли фойдаланиш эвазига кам бўлмаяпти. Бу ҳақиқатни Ж. Номозов англаган бўлсада, бунга қаноат қилмади. Ён атрофдаги қишлоқлардан қуруқ меваларни сотиб олиб, вилоятнинг аҳоли гавжум шаҳарларига, кейинчалик қўшни Қозоғистонга элтиб даромад қилиш йўлини танлади. Шу иш ортидан ойлаб юриб, кайф-сафо қилди. Бола-чақаси холидан хабар олмай қўйди. Ҳар замонда келганда ҳам ҳар хил жанжалларни бошлаб, хотинини урарди. Шу-шу оиласида яна нотинчлик, ҳаловат йўқолди.

– Жўрақул ука, оиланг нотинч. Хотининг болалари билан отасиникига кетиб қолибди, савдогарлик ортидан ойлаб ҳар жойда юриб, оиланга бирор сўм харж қилмас экансан, 47 ёшга кираяпсан. Қўй, отамиз қилган чорва билан шуғуллан. Тинч-хотиржам яша, – дея акаси Тўрақул бир неча бор уйига келиб маслаҳатлар берди. Аммо аҳвол ўзгармади.

Ж. Номозов 2002 йил август ойида бирга савдогарлик қилаётган 2 та аёлни қишлоқдаги уйига таклиф қилди. Унинг ниятини англамаган ҳолда, улар рози бўлишди. Жўрақул билганидек, хотини, болалари уйида йўқ эди. Меҳмонлар билан ароқ ичишиб, ўйин кулги қилишди. Кечаси соат 4.00 ларда ўйлаган қабих режаси – меҳмонларнинг сумкасидаги 170 минг сўм пулга эгалик қилишга киришди. Бунинг учун уларни ўлдириш лозим, деган қарорга келди. Шундоқ ҳовлига чиқиб, узун ёғоч калтакни олиб уйда ўтирган Ўразгул Сайданова, Қолбека Амановаларнинг бошига ва турли тана қисмларига аёвсиз уриб, тан жароҳати етказди. Аёллар қўққисдан туширилган калтаклар зарбидан дод солишиб, ҳовлига қочишди. Ж. Номозов ҳовлида Қ. Амановани тутиб олиб, яна боши ва кўкрагига зарб билан урди. Ожиза хушсиз йиқилди. Кўзи қонга тўлган Ж. Номозов Ў. Сайданованинг ўтинхона ёнига бекинганлигини илғаганди. Сездирмасдан уни ҳам тутиб олиб, важоҳат билан бошига, кўкрагига қайта-қайта калтак туширди. Қўрққанидан бақиришга ҳам мажол тополмаган аёл қонга беланди ва жон таслим қилди. Бунга ишонч ҳосил қилган хонадон эгаси унинг оёғидан судраб, молхона яқинидаги чуқурчага ташлади. Ва ёқишга мўлжаллаб қуритилган мол ахлати билан кўмиб ташлади. Бу орада Қ. Аманова хушига келиб, кўшни Н. Эшмановнинг ҳовлисига қочди ҳамда улардан ёрдам сўради. Аҳволни тушунган Н. Эшмонов бирор чора кўриш учун қишлоқ оқсоқолига хабар қилди. Оқсоқол эса милиция ходимларига хабарни етказди. Жиноят гувоҳли қолаётганлиги – Қ. Аманова ўлмай қочиб қолганлигини билган Ж. Номозов пул солинган сумкани қўтариб акаси Т. Эшниёзовнинг уйига қочди. Тезкор ички ишлар ходимлари уни шу ерда қўлга олишди.

Ҳа, 30 август тунида Жўш қишлоғи аҳолиси 4 нафар фарзанднинг онаси – Сайданованинг аёвсиз ўлимига гувоҳ бўлди.

Тергов жараёнларида жиноятчи Ж. Номозов ўз қилмишига иқрор бўлиб, пушаймонда эканлигини маълум қилди. Халқимизнинг «Кейинги пушаймон – ўзингга душман» деган иборасини Ж. Номозов шу пайтгача ҳам англаб етмаганлиги кишини янада ғазаблантиради. Ахир бу пушаймонлик олдинги жинояти учун олган қамоқ жазосида ҳам туғилмаганмиди? Муддатидан олдин амнистия билан озод қилинганида-чи?!

2002 йил 20 декабрда мазкур жиноят иши бўйича Самарқанд вилоят судининг очиқ мажлиси бўлиб ўтди. Унда айбдорга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари қўлланилиб, қатъий режимли 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Воқеа хулосасида, кишини айблайдиган бир қанча саволлар мушохадага чорлайди. Мархума У. Сайданованинг 4 нафар норасида етим фарзандларига энди она меҳрини ким бераркин? Жиноятчи Номозовнинг 2 нафар ўғил-қизи ота меҳрини қўмсамайди-ми? Бу ўсмир, гўдаклар ҳаётини азоб-аламларга туташтирган ким? Ж. Номозов қисқа муддатли умрининг сал кам 50 йилини ўтказиб, қолган саноқли қисми ҳам панжара ортида қолиб кетишини ҳис этармикан?..

С. ДОНИЁРОВ, ҳуқуқшунос.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги «2-Қорасув» мавзесида 36-сонли оилавий поликлиника бор. Бу ерда ташкил этилган «Соғлом бола хонаси»да оталар тез-тез бўлишиб, ўз фарзандларини профилактик текширишдан ўтказиб туришади.

СУРАТДА: оилавий поликлиниканинг болалар шифокори Ҳилола Маматқулова болажоннинг соғлигини кўрикдан ўтказаяпти.

И. ШЕРБЕК олган сурат.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ Р. Р. ҲАЙДАРОВ, Р. С. ҚОСИМОВ, К.РИХСИЕВ Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ, Д. F. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ .

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-53-14.
Бухгалтерия — 136-55-64.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 100, Адади 2752 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи— Зафар КАЛОНОВ | Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топширилди 19.30.

● Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 19.30.